

А Ж Р И М

2026 йил январь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди, Тошлоқ тумани Пиёзчилик маҳалла фуқаролар йиғини биносидан, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи суд раиси Б.Н.Абдуназаров, судья ёрдамчиси А.Рахмановнинг котиблигида, тарафлардан Тошлоқ туман прокурори ёрдамчиси Қ.Темиров, маҳкум М.Мўсаев, Тошлоқ туман ИИБ Пробация гуруҳи вакили Х.Ботировнинг иштирокида, Тошлоқ туман ИИБ бошлиғининг маҳкум Мўсаев Мухриддин Зухриддин ўғлига нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги 1-1517-2402/158-сонли тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 28 октябрдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2024 йил 9 сентябрдаги ҳукмига кўра,

Мўсаев Мухриддин Зухриддин ўғли (Mo'sayev Muxriddin Zuxriddin o'g'li), 1992 йил 7 октябрда Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, ЯТТ “SHAMSITDINOVA FERUZAXON GO'FUROVNA” ишчиси, муқаддам судланмаган, Тошлоқ тумани, Заркент МФЙ, Қашқарқишлоқ кўчаси, 34-уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 7 ой 3 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Тошлоқ тумани Ички ишлар бўлими маҳкум М.Мўсаевга нисбатан киритган тақдимномасида, маҳкум муқаддам Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 28 октябрдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2024 йил 9 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 7 ой 3 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судлангани, Тошлоқ туман ИИБ пробация гуруҳи томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 2024 йил 5 ноябрда ҳисобга олиниб, шахсий йиғмажилд юритилганини, шу давр ичида М.Мўсаев қонунбузарликларга йўл қўймасдан, суд томонидан юклатилган мажбуриятни бажариб, ЯТТ “SHAMSITDINOVA FERUZAXON GO'FUROVNA”да ишчи бўлиб ишлаб келганини, тайинланган жазонинг 1 йил 2 ой 7 кунини ўтаганлигини, М.Мўсаев жазо ўташ шартларига тўлиқ риоя қилганлиги ва ўзини ижобий томондан кўрсатганлигини инобатга олиб, ўталмай қолган 4 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўраган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши, шу модда 3-қисмининг “а” бандида “ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин ўрнатилган тартиб қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин” деб белгиланган.

Суд, иш материалларини кўриб, атрофлича муҳокама қилиб, маҳкум, прокурор ва Тошлоқ туман ИИБ Пробацяя гуруҳи вакилининг баёнотларини тинглаб, маҳкум М.Мўсаев жазо муддатининг учдан бир қисмидан кўпроғини, яъни 1 йил 2 ой 7 кунини ўтаб бўлганини, жазо ўташ даврида намунали хулқ-атвори билан ажралиб турганлигини эътиборга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ўталмай қолган 4 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73, ЖПКнинг 536-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л а д и :

Тошлоқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Мўсаев Мухриддин Зухриддин ўғли (Mo`sayev Muxriddin Zuxriddin o`g`li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 28 октябрдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2024 йил 9 сентябрдаги ҳукмига кўра тайинланиб ва ҳозирда ўталмай қолган 4 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум М.Мўсаевга жазонинг шартли озод қилинган даври мобайнида қасддан янги жиноят содир этса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси ижро этиш учун Тошлоқ туман ИИБ бошлиғига юборилсин.

Ажримдан норози тарафлар Фарғона вилоят судига кассация тартибида хусусий шикоят (хусусий протест) беришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

/ имзо /

Б.Н.Абдуназаров

Нусхаси аслига тўғри :

Б.Н.Абдуназаров

